

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ СУДИ
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2026 йил март ойининг 6 куни, Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича кассация инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи: Ш.Шеркулов, ҳайъат судьялари: У.Ханаев ва У.Мамадалиевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси П.Юнусовнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори Б.Тўлқинов, жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED], судланган [REDACTED]нинг ҳимоячиси – адвокат С.Алибоевнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судининг 2025 йил 19 ноябрдаги [REDACTED]га нисбатан чиқарилган ҳукм устидан унинг ўзи ва жабрланувчининг қонуний вакили У.Хожимуродова томонидан берилган кассация шикоятларини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судининг 2025 йил 19 ноябрдаги ҳукмига кўра:

1983 йил 18 февраль куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, оилали, уч нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, ишламаган, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Бекобод тумани судининг 2007 йил 20 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “в” банди билан 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли ҳисобланиб, 1 йил синов муддати белгиланган;

2) жиноят ишлари бўйича Бекобод тумани судининг 2009 йил 10 декабрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбланиш ҳақидаги жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилган;

3) жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 2010 йил 10 мартдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а,б,в” бандлари билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

4) жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 2010 йил 29 ноябрдаги ажримига кўра, ЖКнинг



266-моддаси 1-қисми билан айблаш ҳақидаги жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилган;

5) жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 2011 йил 1 февралдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми, 138-моддаси 2-қисми “а” банди, 229-моддаси билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судининг 2012 йил 21 сентябрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 5 ой 24 кун жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод этилган;

6) жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судининг 2013 йил 25 ноябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судининг 2015 йил 23 июндаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 5 ой 24 кун жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод этилган;

7) жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 2016 йил 8 июлдаги ажримига кўра, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айблаш ҳақидаги жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ҳаракатдан тугатилган;

8) жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судининг 2019 йил 31 июлдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 164-моддаси 2-қисми “б” банди билан 8 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг 2021 йил 9 июлдаги ажримига кўра, ҳукм ўзгартирилиб, ЖКнинг 164-моддаси 2-қисми “а,б” бандларидан ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” бандига қайта малакаланган ва 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод этилган, (ЖКнинг 78-моддасига асосан судланганлик ҳолати тугалланмаган),

яшаган, иш бўйича 2025 йил 7 июлдан қамоқда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган

га



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “л” банди билан 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ, жазони ўташ муддатини 2025 йил 7 июлдан бошлаб ҳисоблаш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, [REDACTED] 2025 йил 2 июль куни соат 01:30 да, маст ҳолатда ўзгага қасддан оғир тан жароҳати етказиш мақсадида, маст ҳолатда ўзига аввалдан таниш бўлган маст ҳолдаги кўшниси [REDACTED] билан унинг яшаш хонадони орқа томонида, ўзаро ўрталарида юзага келган келишмовчиликлар сабабли жанжаллашиб қолиб, ёнида бўлган пичоқ билан билан фуқаро [REDACTED] ни чап қўлтиқ ости соҳасига бир маротаба санчиб олиб тан жароҳати етказган. Натижада, [REDACTED] тан жароҳати олиб Бекобод шаҳар марказий шифохонасига олиб келинган. Шундан сўнг [REDACTED] 2025 йил 7 июль соат 01:00 да шифохонада вафот этган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2025 йил 7 августдаги №61-С-П-сонли хулосасига кўра, марҳум [REDACTED] нинг ўлими - кўкрак қафасига кириб борувчи санчилган кесилган яраси, перикард жароҳатидан кейин ривожланган сепсис билан асоратланиши, полиорган (умум аъзолар) етишмовчилигидан содир бўлганлиги, бу мурда танасида аниқланган морфологик белгилар ва гистологик текширувда аниқланган микроскопик белгилар билан ўз тасдиғини топишини, мурда бирламчи ўзгаришлари, атроф-муҳит ҳароратини, йил фаслини инобатга олганда, ўлим содир бўлган вақт тиббий ҳужжатда кўрсатилган вақтга, яъни 2025 йил 7 июль соат 01:00 га зид эмаслиги, марҳум [REDACTED] нинг мурдасини танасида аниқланган тан жароҳатлари, яъни кўкрак қафаси соҳасида бўшлиққа кириб борувчи ва перикардни санчилган-кесилган жароҳати турига кўра ўткир санчувчи-кесувчи жисм таъсиридан, тириклигида, тиббий ҳужжат маълумотларга кўра 2025 йил 2 июль кунига тўғри келиши, ушбу жароҳатлар биргаликда оғирлик даражаси тирик шахсларга нисбатан ҳаёт учун хавfli бўлган оғир тан жароҳатлари сифатида баҳоланиши ва унинг ўлими юз бериши билан билвосита сабабий боғлиқликдалиги, марҳум [REDACTED] -нинг мурдасини суд-тиббий экспертиза текширувида ҳаётий касалликлари аниқланмаганлиги, марҳум [REDACTED] га тиббий муассасада даволаш мақсадида инъекциялар қилинганлиги сабабли алкоголь ва наркотик, психотроп моддаларни аниқлаш учун қон олинмаганлиги аниқланган.

Суд-тиббий комиссиян экспертизасининг 2025 йил 26 сентябрдаги 101-сонли хулосасига кўра, марҳум [REDACTED] нинг ўлими юз беришида унга тан жароҳати етказилиши натижасида кўкрак қафаси аъзолари - юрак ёки ўпкалар шикастланиши натижасида ушбу органлар функциясининг бузилиши ва уларни даволашда шифокорлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар эмас, балки марҳумга тан жароҳати етказилган вақтда организмга тушган анаэроб инфекция (қисқа вақтларда организм интоксикацияси ва полиорган етишмовчилигига олиб келадиган) сабаб бўлганлиги кўрсатилган.



Бекобод тумани ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими катта терговчиси Ш.Сулаймановнинг 2025 йил 3 октябрдаги “Жиноят ишени бир қисмини алоҳида иш юритувига ажратиш ва жиноят ишени кўзғатиш ҳақида”ги қарорига асосан, жиноят ишени Бекобод шаҳар Марказий шифохонасининг масъул шифокорига нисбатан бўлган қисми Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 116-моддаси 3-қисми билан алоҳида иш юритувига ажратилган.

Судланган [REDACTED] кассация шикоятда, айбсизлиги ҳақида важлар келтириб, иш бўйича адолатли қарор чиқаришни сўраган.

Жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED], биринчи инстанция суди [REDACTED] га енгил жазо тайинлагани ҳақида важлар келтириб, суд ҳукмини бекор қилиб, унга нисбатан оғир жазо тайинлашни сўраган.

Кассация инстанцияси суди, маҳкум [REDACTED] жазони ижро этиш муассасасида жазо ўтаётганлиги сабабли келтирилмаганлиги, шикоятда келтирилган важлар ва талабларига иш ҳужжатлари асосида баҳо бериш мумкинлигини инобатга олиб, ЖКнинг 509^б-моддаси 2-қисмига асосан жиноят иши кассация инстанциясида унинг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Кассация инстанцияси суди, судья Ш.Шеркуловнинг маърузасини, прокурор Б.Тўлкиновнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, жабрланувчининг қонуний вакили тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] нинг [REDACTED] га оғир жазо тайинлаш, адвокат С.Алибоевнинг кассация шикоятини қувватлаб, уни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятларда келтирилган важлар асосида жиноят иши ҳужжатларини текшириб, муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Судланган [REDACTED] нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида ўз қилмишига қисман иқроор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, шунингдек дастлабки тушунтириш хатлари, ариза, ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечириш, нарсани олиш ва кўздан кечириш, сўроқ қилиш, юзлаштириш баённомалари, суд-тиббий экспертиза хулосаси ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топган.

Кассация инстанцияси, судланган [REDACTED] нинг айбсизлиги ҳақидаги кўрсатувларига танқидий баҳо бериб, мазкур кўрсатувларни жиноий жавобгарликдан қутулиш учун келтирилган деб баҳолаб, уларни рад қилишни лозим топади.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишени судда кўришда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 22, 26-моддалари талабларига тўлиқ риоя қилинган ҳамда суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида ЖКнинг 95-моддаси тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилиб, иш бўйича аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан тўла ва холисона текширилган ҳолда [REDACTED] нинг совуқ қурол сифатида



фойдаланиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб, ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказишда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “л” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Биринчи инстанция суди, судланган [REDACTED] га нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖК, ЖПКнинг талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, шахси, оилавий шароити, шу билан бирга муқаддам судланиб, ўзига тегишли хулоса чиқармай янги жиноят содир этгани, содир этган жинояти оқибатида бир шахс ҳаётдан кўз юмгани, жабрланувчининг қонуний вакилининг даъвоси борлигини инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш мумкин эмас деган асосли хулосага келиб, унга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳақида қонуний, асосли ва адолатли хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509⁹-моддаси 1-қисми 1-бандида, кассация инстанцияси суди жиноят ишини кўриш натижаларига кўра ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикоятини (протестини) эса қаноатлантirmасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқариши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2024 йил 25 мартдаги “Жиноят ишларини апелляция, кассация тартибида кўриш амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 22-бандида, апелляция, кассация инстанцияси судлари, агар чиқарилган ҳукм



ЖПК 455-моддаси талабларига мувофиқ эканлигини аниқласа, уни ўзгаришсиз қолдириши ҳақида тушунтириш берилган.

Кассация инстанцияси суди баён этилганларга кўра, [REDACTED] га нисбатан суд ҳукми ЖПК 455-моддаси талабларига мувофиқ чиқарилган деб баҳолаб, ҳукми ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, уни ўзгаришсиз, берилган шикоятларни эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509⁷, 509⁹, 509¹⁰-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси суди

а ж р и м қ и л д и:

[REDACTED] га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судининг 2025 йил 19 ноябрдаги ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафларга ажрим устидан Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят беришлари ёки протест билдиришлари мумкинлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи (имзо) Ш.Шеркулов

ҳайъат судьялари (имзо) У.Ханаев

(имзо) У.Мамадалиев

Ажрим нусхаси аслига тўғри Ш.Шеркулов

